

Кафаннинг чўнтаги йўқ



11:25 / 27.05.2024 2313

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида қўй сўйилди. У зот қўйни садақа қилишни буюриб, бир иш билан уйдан чиқиб кетдилар. Қайтиб келгач, Оиша розияллоҳу анҳодан «Гўштдан қанча қолди?» деб сўрадилар. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо «Бир бўлак қолди», деган эдилар, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аслида шу бир бўлакдан бошқа ҳаммаси бизга қолибди», дедилар.

Буюк инсоннинг буюк жавоби!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам доимо инсонларга дунёнинг охират экинзори эканини таъкидлар эдилар: бугун фақат экиш бор, ҳосил олиш йўқ, охиратда эса ҳосил олиш бор, экиш йўқ!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрни келиши билан инсонларга дунёнинг фонийлигини, охиратнинг боқийлигини сингдиришга ҳаракат қилардилар. Юқоридаги суҳбат ҳам ҳар бир уйда бўлиб турадиган оилавий суҳбат эди: эр хотинидан уйдаги чиқим ва овқат ҳақида сўраяпти. Лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эса шу оддий суҳбатни ҳам набавий дарсга айлантиряптилар! У зот Оиша онамиз розияллоҳу анҳога дунёвий савол беряптилар:

– Ундан нима қолди?

Оиша онамиз ҳам дунёвий жавоб беряптилар:

– Фақатгина қўли қолди.

Оиша розияллоҳу анҳонинг жавобларидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол охират дарсларидан бирини беряптилар:

–Бир бўлақдан бошқа ҳаммаси бизга қолибди!

Демак, қўлимизда турган мол бизники эмас экан. У баққолники, бензин қуйиш шохобчасиники, электр идорасиники, кийим сотувчиники, новвойхонаники, дорихонаники, биздан кейин эса меросхўрларники экан. Бизнинг ҳақиқий молимиз – бугун охиратга захира қилиш учун бераётган молимиз экан!

Қўйнинг гўшти еб тугатилади, аммо ундан берилган садақа Аллоҳнинг ҳузурида – охиратдаги «банк»да сақланади!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай деганлар:

«Ким ҳалол топган молдан бир дона хурмо садақа қилса, Аллоҳ таоло уни қабул қилиб, сизлар тойчоқ ўстиргандек ўстиради, садақаси тоғдек катта бўлиб кетади. Зеро, Аллоҳ таоло фақатгина ҳалол садақани қабул қилади».

«Банк»нинг ажойиблигини қаранг! Захиранинг ажойиблигини қаранг! Аллоҳнинг розилигини истаб қилинган хурмодек садақангизни Аллоҳнинг Ўзи қабул қилиб олиб, уни ўстирар экан. Охират кунида Аллоҳнинг ҳузурига борсангиз, садақангиз тоғдек каттариб кетган бўлар экан!

Султон Сулаймон Қонуний ўлим тўшагида ётганида шундай деган экан: «Вафот қилганимда қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи одамлар султон ҳам дунёдан икки қўли бўш кетаётганини кўрсин».

Садақа қилайлик, кафаннинг чўнтаги йўқ!

Абдулқодир Полвонов

«Ҳилол» журнали 11(56) сон